

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ
ФАЛСАФА ТАРИХИ ВА МАНТИҚ КАФЕДРАСИ

КУРС ИШИ

Мавзу: ЭРИХ ФРОММНИНГ ФАЛСАФИЙ
АНТРОПОЛОГИЯСИ

Бажарди: Ш. Умиров – “Фалсафа тарихи”
мутахассислиги 1 курс магистри.

Илмий раҳбар: Г.М.Рузматова – “Фалсафа
тарихи ва мантиқ” кафедраси доценти.

Такризчи: Г.М.Қобулниёзова – “Фалсафа
тарихи ва мантиқ” кафедраси доценти.

ТОШКЕНТ - 2012

М У Н Д А Р И Ж А

	Кириш	3
1	Эрих Фроммнинг антропологик концепцияси.....	5
2	Эрих Фроммнинг инсонпарварлик руҳияти таҳлили.....	7
3	Эрих Фроммнинг дин ҳақидаги қарашлари.....	12
	Хулоса	17
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	19

КИРИШ

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиб, янги ривожланиш йўлига кирганига ўн саккиз йилдан ошди. Бу давр нисбатан қисқа вақтни ўз ичига олсада жумҳурият ҳаётининг турли соҳаларида улкан ўзгаришлар юз берди. Биз учун анъанавий бўлиб қолган иқтисодий-сиёсий, маънавий турмушнинг йўналишлари ўз оқимини ўзгартира бошлади, ҳатто таърифлар, тушунчаларга ҳам янги замонанинг кескин тўлқинлари, янгиликлари ўз таъсирини кўрсатмоқда, олдинги тасаввурлар аста-секин янги ахборотлар, билимларга ўз ўрнини бўшатиб бермоқда. Бу янгиланишлар инсон билими олдидаги янги-янги талабларни қўймоқдаки, улар ақлий ва амалий фаолият учун янги вазифаларни келтириб чиқармоқда. Дарҳақиқат, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури, ҳар хил «измлар»дан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади.

Бутун халқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг ««Куч - адолатда» деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб «Куч – билим ва тафаккурда» деган бўлардим. Келгуси асрда бу тамойил янада кучаяди ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Бинобарин, халқаро майдонда биз бошқа мамлакатлар билан соғлом фикр мусобақасига, ижодий рақобатга киришмоғимиз лозим бўлади. Бизнинг келажагимиз мана шу мусобақа ва рақобатга қай даражада бардош бера

олишимизга боғлиқ. Ўйлайманки, бунинг учун миллатимизнинг салоҳияти ҳам, ақл-заковати ҳам етарли»¹.

Миллий онгни, миллийлик руҳиятини мустаҳкамлашда хусусан, миллий ва бошқа мамлакатларнинг маданий-тарихий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Буни биз Президентимиз И.Каримовни «Фидокор» газетаси бош муҳаррири саволларига берган жавобларидан ҳам яққол англашимиз мумкин. «... Дунё тан олган кўп улуғ файласуфларнинг асарлари ханузгача ўзбек тилида чоп этилмагани туфайли аксарият зиёлилар, хусусан, ёшларимиз уларнинг ғоявий қарашлари билан яхши таниш эмас. Сократ ва Платон, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг, ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки, мумкин эмас...

Мана, мисол учун, Фрейднинг назарий қарашлари, прагматизм ва экзистенциализм ғоялари, Бердяев ва бошқаларнинг фалсафасидан ўргансак фойдадан холи бўлмайди»².

Шунинг учун ҳам ижтимоий билимлар соҳасида ижод қилувчи олимларимиз фалсафий меросини, ғарбу-шарқ олиму-фузалолари яратиб кетган бабаҳо маънавий қадриятларни ўрганиш ишига асосий эътиборни кучайтирмоқдалар. Маълумки, собиқ Иттифоқ даврида ҳукмрон сиёсий ва мафкуравий талаб асосида бу масалага бир ёқлама ёндошиш ва бузиб кўрсатишлар ҳукмронлик қиларди. Бундай сиёсат, мафкура ва улар вужудга келтирган ғоявий тамойил ва терминларни енгиб ўтиш, янгича эркин фикрлашга ўрганишнинг ўзи ҳам маълум вақтни талаб этади. Бунинг учун эса ҳозирги фалсафий қараш дурдоналари билан қуролланишимиз керак. Мана шундагина фалсафий фикрлар тараққиётига, диёримизда яратилган тафаккур тараққиётига, ҳозирги замон фалсафасининг асосий муаммоларига тўғри ва холисона баҳо бера оламиз. Шунинг учун ҳам

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин. –Т.: Ўзбекистон, 1998. Б. 9.

² Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродалилигига ишонаман.//Фидокор. 2000. 8 июн.

фалсафа муаммоларини, фалсафий меросни тадқиқ қилиш доимо кун тартибида турувчи долзарб масалалардан бири бўлиб қолаверади.

1. Эрих Фроммнинг антропологик концепцияси

Эрих Фромм (1900-1980 йиллар) - XX асрнинг кўзга кўринган файласуфи, социологи, психологларидан биридир. Ижтимоий тараққиёт ғояларининг тарғиботчиси ҳамдир. Гейдельберг университетини тугатгач 1929 йилда фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олган. 1923-1924 йилларда Берлиндаги руҳият таҳлили институтида руҳият таҳлили курсида ўқиган. 1929-1932 йилларда Франкфурт-Майндаги ижтимоий тадқиқотлар институтида ишлаган. 1933 йилдан АҚШга муҳожир бўлган, ўқитувчилик ва илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланган. Мехико миллий университети қошидаги руҳий таҳлил институтига раҳбарлик қилган. 1974 йилдан Швейцарияда яшаган. Унинг «Озодликдан қочиш» (1941), «Ўзи учун яшаётган инсон» (1947), «Севиш санъати» (1956), «Дзен-буддизм ва руҳий таҳлил» (1960), «Маркснинг инсон концепцияси» (1961), «Сароблар курсовида» (1962), «Инсон қалби» (1964), «Умидлар инқилоби» (1968), «Инсон бузғунчилиги анатомияси» (1973), «Эга бўлмоқ ёхуд бор бўлмоқ» (1976) каби асарларида инсон ҳақидаги қарашлари акс этган.

Эрих Фроммнинг фикрига кўра, инсон эволюцион ўзгаришлар натижасида вужудга келган мавжудот бўлиб, худди ўша ўзгаришлар, табиийлик, яъни туғма ҳис-туйғулари туфайли аввалдан мослашган, ўзини ўраб турган атроф-муҳит доирасидан ташқарига чиқади. Фаҳм-фаросат, онг ҳосил қилади. Янги мослашув тизилмаси инсоннинг биологик ноқислигини бекитиш учун қулайликлар яратади. Махсус хусусиятлар алоҳида ўзига хос мавжудот эканлигини фаҳмлаш - ўтмишни эслаш ва келажакни олдиндан кўра билиш, ҳодисалар ва воқеаларнинг бирини иккинчисидан ажратиб турадиган белгиларни аниқлай олиш, оламни

тушуниш ва уни ақл-фаросат ёрдамида билиш кабилар инсон сифатларини шакллантириш учун асос вазифасини бажаради.

Эрих Фромм ижтимоий фалсафаси жамиятни ижтимоий қайта куриш, либерал демократик ислохотлар ўтказиш мафкурасига қаратилган. У ҳозирги ғарб ижтимоий фикрининг ривожига катта ҳисса қўшган олимлардандир. У маданиятшунослик ва ижтимоий психология соҳаларида янги ғояларни илгари сурди. Унинг асосий мазмуни «ижтимоий хусусият»га эга бўлган муайян маданият билан ўзаро чамбарчас боғлиқликда намоён бўлади. Олимнинг «Инқилоб умидлари», «Бор бўлмоқ ёхуд эга бўлмоқ» ва «Инсон бузғунчилиги анатомияси» каби асарлари унинг ижодида катта аҳамиятга эга. Улар муаллифнинг келажак авлодга қолдирган назарий мероси ҳисобланади. Бу асарларда замонавий ғарб жамиятининг маънавий-руҳий асослари танқид қилинади ва унинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан янгилашни йўлларини ҳам кўрсатиб беради. Ана шу асарларида Фромм замонавий жамият воқелигини тадқиқ қилишда фалсафий-антропологик, маданий ва ижтимоий-сиёсий ёндашувининг таҳлили яққол намоён бўлади. Замонавий фрейдчиликнинг йирик назарий-таҳлиллари билан бири бўлган Фромм у асос солган руҳият таҳлили анъаналарини ижодий давом эттиради.

Фромм инсоният томонидан яратилган маданиятнинг моҳиятини, унинг ривожланиш тизилмаларини ва зиддиятларини бирламчи асослар орқали аниқлашга ҳаракат қилган олимлардан биридир. Шундай ҳолда ижтимоий-сиёсий вазиятни тўғри баҳолаш, тўғрилаш ва башорат қилиш мумкин. Эрих Фроммнинг ижтимоий фалсафаси айнан «инсон-маданият-сиёсат» мавзуи йўналишида ривожланди. Инсоннинг фалсафий тимсоли, маданий-тарихий жараёнларни қатъий равишда ўрганишни талаб этади ва унинг объектив мезонларини, баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқади. Маданиятнинг ўзида инсон табиатига хос бўлган зиддиятлар, драматик воқеалар мавжуд бўлади. Шундай қилиб, Эрих Фроммнинг инсон табиати концепциясида ижтимоий танқид мезонлари намоён бўлади.

Муаммонинг бундай тарзда қўйилиши уни экзистенциаллик назариётчилари билан яқинлаштиради. Бу **биринчи томондан**, замонавий жамиятда инсоннинг ҳақиқий ёки ноҳақиқий мавжудлиги масаласига яқин келади. Бунда мавжуд бўлиш ва моҳият ўртасидаги узилиш муаммосига тўқнаш келинади. **Иккинчи томондан** эса фалсафий антропология назариётчилари қарашларига ҳам тўғри келади. Зотан, инсон моҳияти ҳақидаги тасаввур фроммча ижтимоий фалсафанинг асоси ҳисобланади.

2. Эрих Фроммнинг инсонпарварлик руҳияти таҳлили

Эрих Фроммнинг ижтимоий-сиёсий концепциясининг асосида инсон моҳияти ғояси ётади. У, кўпгина сиёсий таълимотлардан қониқмаганлигини таъкидлайди. Улар асосан «инсон табиати»га хослик ҳақида гапиради, «аслида эса, унинг бир томонлама намоёнлиги акс эттиради, инсон табиатига бундай нотўғри, бир ёқлама ёндашув, жамиятнинг маълум бир муайян типини оқлайди. Бунда инсон маънавияти зарурий маҳсулот сифатида кўрилади»³. У ўзининг инсон табиати концепциясини тузар экан инсон моҳиятига (субстанционал, шу жумладан, биосубстанционал) ҳамда ўзгарувчанлик (релятив) ёндашувини четлаб ўтишга ҳаракат қилади. Жумладан, биологик асоснинг бўрттирилиши (биосубстанционал) фрейдизмга хос бўлган ҳолат Фроммнинг илк ижодида яққол намоён бўлган. Инсон табиатига хос бўлган биологик асоснинг бўрттирилиши ўз-ўзидан инсон ва инсоний маданият ривожига ижтимоий омилларга етарли даражада баҳо берилмаганлигига олиб келди. Бу эса ўз навбатида ижтимоий-руҳий ва сиёсий муаммоларни ҳал қилишда зарурий назарий-услубий асоснинг етарли эмаслигини намоён қилди.

³ Фромм Э. Революция надежды // Фромм Э. Человек для самого себя. Революция надежды. Душа человека. –М.: АСТ: АСТ МОСКВА, 2009. –С. 25.

Фромм замонавий антропологияда мавжуд бўлган инсон табиати бениҳоя ўзгарувчандир деган тезисни инкор қилади. «Агарда инсон, - деб ёзади Фромм, - табиатан чексиз ўзгарувчан бўлса эди, ҳеч қандай инқилоблар ҳам, ҳеч қандай ўзгаришлар ҳам бўлмас эди... Лекин инсон *нисбатан* ўзгарувчандир. У ҳар доим ижтимоий тузум ҳамда унинг шахсий эҳтиёжи ўртасидаги мутаносибликнинг бузилишига дарров эътибор қилади. Ана шу номутаносибликни бартараф қилиш учун интилиш - инсон тарихий ривожини негизини ташкил қилади. Инсон исёни моддий изтиробларга қарши қаратилади; ўзига хос инсоний эҳтиёжлар ижтимоий тараққиётни жунбушга келтирувчи кучли турткилардан ҳисобланади»⁴.

Зотан инсон, Фромм фикрича, деярли ҳамма маданият турларига «мослашувчи мавжудот бўлса ҳам, гарчи унинг табиатига зид келиб қолганда, унда ички маънавий-руҳий ва эҳтиросли тўқнашувлар бошланади. Бунда инсон ўз табиатини ўзгартира олмаган ҳолда ҳаёт тарзини ўзгартиришга мажбур бўлади»⁵. Унинг фикрича, инсон ҳаётда ўзини намоён қилиш учун интилади. У дунёни ўзининг физиологик эҳтиёжларини қондириш учун восита бўлишини хоҳлайди. Гарчи инсон интилишлари фақат моддиятга қаратилмаган экан, унда улар «инсоний эҳтиёжларнинг асосий ўзига хос муносабатларини талаб қилади, бунда бошқа инсонлар ҳамда табиат билан ўзгача муносабат ўрнатилади ва бунда инсон ўзини ўзига хос намоён қилади»⁶.

Шунга қарамасдан ҳозирги давргача инсонга атрофлича, кенг қамровли таъриф берилмаган. (Фромм таъкидича, келажакда ҳам мумкин бўлмайди!). Уни «ўзига хос тарзда»-заруриятдан *homo faber, homo sapiens, homo ludens* ва ҳоказо, деб таърифлаш етарли эмас? Фромм фикрича, инсон ибтидосига илмий жиҳатдан тўлақонли таъриф бериб бўлмайди деган шубҳага келмаслик керак.

⁴ Фромм Э. Революция надежды. –С. 93.

⁵ Фромм Э. Психоанализ и этика. –М.: Республика, 1999. –С. 33.

⁶ Фромм Э. Революция надежды. –С. 99.

«Ҳамма ана шу «ўзига хослик» инсоннинг турли-туманлигини кўрсатади ва у бир вақтнинг ўзида оддий инсон бўлиб ҳам қолаверади. Инсон бўлиш қандай, деган саволга жавобни турли инсон имкониятлари соҳасидан эмас, балки унинг мавжуд бўлиш шароитининг муқобил вариантларидан излашимиз лозим»⁷. Бу шарт-шароитни аниқлаш, Фромм фикрича, фалсафий тафаккур натижаси бўлмайди, балки у антропология, тарих, болалар, шахсий ва ижтимоий психология томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Инсонни бундай фалсафий мушоҳада қилиш, фроммча маънавий соғломлик таълимотининг асосида ётади, бу эса ҳамма давр ва маданият одамлари учун «умумий» ҳисобланади.

«Маънавий соғломлик муҳаббат қобилияти орқали, ижодкор шахс бўлиш орқали... ўзига монанд бўлиш ҳисси орқали, «ўз-ўзини» ҳис эта олиш асоси орқали хусусиятланади, яъни объективлик ва тафаккурни ривожлантиради»⁸. Бунда муаллиф таъкиди бўйича, «маънавий соғломлик инсоннинг жамиятга «сингиб кетиш»и орқали аниқланмайди, аксинча, жамият инсон эҳтиёжларига мослашиши орқали содир бўлади»⁹. Шундай ҳолатда инсон ва жамият талаблари қатъий зиддиятда бўлади, “жамият касалланиши” мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам, инсон моҳиятини фалсафий тушуниш замонавий ижтимоий-сиёсий назарияни тузиш учун зарурдир. Бироқ, инсон табиати Фромм таълимотида руҳий моҳият сифатида намоён бўлади. Унинг мазмуни даврдан ташқарида бўлган инсоннинг экзистенциал эҳтиёжи орқали очилади. Инсон табиатининг фроммча талқинига кўра, охир оқибатда назарий, ҳаёлий тузилма бўлиб қолаверади. Шунга қарамасдан Фромм, инсон ривожига ижтимоий муҳит ролини тан олади. Бироқ ижтимоий фаолиятнинг ҳар қандай шаклини тузишда инсон табиатининг туғма эҳтиёжлар тизими ҳал қилувчи аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтиш зарур.

⁷ Ўша ерда. -Б. 100.

⁸ Фромм Э. Иметь или быть. –М.: Мысль, 1997. -С. 52

⁹ Ўша ерда. Б. 54-55.

Фроммнинг таълимоти ғайритабiiй (натуралистик) антропологиянинг бир кўринишини ҳосил қилади. Унда инсон олдиндан руҳий тузилмаси белгилаб қўйилган мавжудот сифатида намоён бўлади, бу унинг интилишлари, фикрлари ва ҳаракатини белгилаб беради.

Фромм инсон табиатининг асосий-негизий тамойилини аниқлашга ҳаракат қилади. Шу асосда инсон маданияти ва сиёсат ҳақидаги таълимотини ривожлантиришга уринади. Инсон табиатининг шундай икки фундаментал тамойилини, фрейдча *Танатос* ва *Эрос* сингари *эга бўлиш* ва *бор бўлишда* кўради. Ана шу тамойилларнинг ҳар бири унинг таъкидича, ўзининг чуқур биологик асосига эга бўлиш тенденцияси ўз-ўзини сақлаш инстинктида намоён бўлади, абадий ҳаётга интилади, борлиқ тенденцияси эса ўзининг ибтидосини ҳамкорлик инстинктдан, яққаланиб қолиш кўрқувидан олади. Бу ибтидолар инсонда нисбатан бир-бирини тўлдиради ҳамда бир-бирига зид келади.

Фромм инсон табиатидаги бу биологик илк даврни фақат баён қилиш билан чекланиб қолмайди. «Эга бўлмоқ ёки бор бўлмоқ» асарида уларни инсон маданияти соҳасида қўллашга ҳаракат қилади. Олимнинг ушбу асари машҳур француз ёзувчиси Г.Марселнинг «Бор бўлмоқ ёхуд эга бўлмоқ» номли асарига ўхшаб кетади. Фроммнинг таъкидича, бу асарлар фақат номи билан эмас, балки ғоявий нуқтаи назардан бир-бирига яқин туради. Г.Марсел бор бўлиш ва эга бўлиш масаласини экзистенциал нуқтаи назардан ҳал қилади. У ҳақиқий ва ноҳақиқий борлиқ масаласини диний қараш орқали тадқиқ қилди.

Фроммнинг асосий мавзуси мавжудликнинг бу икки услубини руҳий кузатуви ва ижтимоий жиҳатдан таҳлилига қаратилган. Фромм фикрича, бу китобнинг бор бўлиш ва эга бўлиш модулларининг таҳлили асосида фалсафий-антропология талқин ётади. Фромм ҳақиқий мавжудлик муаммосини таҳлил қилишдан бош тортмайди, лекин уни ўзига хос тарзда ечишга ҳаракат қилади.

Шунингдек, у бор бўлиш ва эга бўлиш ибтидоларини қатъий равишда таҳлил қилиш билан чеклаш йўлини танлайди. «Эгалик ёхуд борлик»нинг муқобили соғлом тафаккур соҳасида намоён бўлмайди. Эга бўлишлик ҳаётимизнинг нормал функциясига киради, яшаш учун биз муайян нарсаларга эга бўлшимиз зарур, бундан ташқари биз уларга эга бўлишимиз керак, шунда уларнинг борлигидан хузурланамиз, умуман олганда, жамиятда «эга бўлиш ва кўпроқ эга бўлишлик» тамойилининг муқобили бормикан? – деган муаммоли ғояни ўртага ташлайди Э. Фромм.

Аксинча, шундай фикр туғиладики, борлик моҳияти эгалик қилиш орқали очилади: кимда - ҳеч нарса бўлмаса, у - ҳеч ким бўлмайди. Бироқ Фромм ўйлашича, инсониятнинг буюк Устозлари – Будда, Исо, Майстер Экхарт, – «эгалик ва борлик»нинг карама-қарши томонида ўз мулоҳазаларининг мазмунини кўрганлар.

Борлик ва эгаликни фарқлаш масаласи Фроммни жуда узоқ йиллар қийнайди. У шундай хулосага келади, «худди ана шу фарқлаш, ҳаётга ва ўлимга бўлган муҳаббатни фарқлаш қаторида инсон экзистенциал борлигининг ҳал қилувчи масаласидан бўлиб қолаверади. Антропология ва руҳият таҳлилининг тажрибавий далиллари шу нарсани кўрсатадики, унинг фикрича борлик ва эгалик инсон ҳаётининг икки асословчи шаклидир. Булар инсонлар хусусиятининг шахсий ва жамоавийлик хусусиятини аниқлайди»¹⁰. Шундай қилиб, Эрих Фромм учун инсон ҳаётининг «эгалик» ва «борлик» нуқтаи назаридан намоён бўлиши инсонни умумфалсафий жиҳатдан кўриш ва тушунишнинг асосий таъмал тоши бўлди. Бироқ инсон ҳодисасини, жумладан унинг маданияти ва тарихини унинг табиатига хос бўлган бир-икки хусусият орқали тушунтириб беришга ҳаракат қилиш ижтимоий чекланганликка олиб келади. Худди шу ҳолат Э.Фромм таълимотига ҳам тааллуқлидир. Фромм таълимотининг антиметафизик хусусияти ҳақидаги таъкидига қарамасдан биз унинг «эгалик» ва «борлик» тўғрисидаги антропологик фалсафаси

¹⁰ Фромм Э. Иметь или быть. –М.: Мысль, 1997. -С. 289-290.

инсон ижтимоий-маданий дунёсининг ҳамма соҳаларига тарқалганлигининг гувоҳи бўламиз.

Шундай ҳолда Э.Фромм инсоннинг ички моҳияти ибтидоларини «борлик» ва «эгаллик» категориялари орқали очишга ҳаракат қилади. Олим фикрича, улар инсоннинг фалсафий тимсоли билан инсон маданиятининг фалсафий тимсолини боғловчи занжир сифатида ҳам намоён бўлади.

3. Эрих Фроммнинг дин ҳақидаги қарашлари

Э.Фромм инсон табиатидаги фрейдча биологик ва ҳирсий омиллар ўрнини сусайтириб, ижтимоийликка урғу беради. У ўзининг «Исо ақидаси» номли (1930) дастлабки асарида Исо тимсолидаги илк христианликдан бошлаб то IV асргача бўлган ривожининг диний онга таъсирини таҳлил қилади. Табиат кучлари олдидаги ожизлик инсонни болалик муҳитига қайтаради. Гўдак ота-онаси паноҳида хотиржамликни, ҳимояни, хавфсизликни туяди, лекин шу билан бир қаторда уни кўрқув туйғулари ҳам қамраб олади. Бундай вазиятнинг мазмуни шундаки, ҳимояланувчи ўз онги остида қадимги ҳимояни руҳий қувватини эсида сақлайди. «Инсон, - деб ёзади Фромм, - ўз ота ва онасидан гўдаклик давридаги меҳр-муҳаббат билан бирга кўрқув ҳамда хаёлий тимсол бўлган Худога нафратли муносабатни ҳам онг остида сақлаб қолади»¹¹.

Фромм наздида Худо **бир томондан**, бошқарувчи-ҳукмдорлар манфаатини ҳимоя қилса, **иккинчи томондан**, бошқа одамларга ҳам таскин берувчи сифатида хизмат қилади. Ана шу икки вазифа илк христианлик тақдирини белгилаб берди. Зотан, ота-худо онгсиз ҳолатда ҳокимиятни ифодалаган бўлса, илк христианликда бу ҳол ўзига хос равишда намоён бўлди. «Онгли ҳолатда улар ота-худони ёмонлай олмас эдилар. Онгли ғазаб ҳокимиятга қарши қаратилган эди... Лекин ота-худога

¹¹ Fromm E. The Dogma of Christ and Other Essays on Religion, Psychology and Culture. New York e. a, 1963. P. 15.

нисбатан онгсиз ғазаб хаёли Исода ўз аксини топди. Улар инсонни Худо ёнига қўйиб, ота-худони тасаввур қилдилар»¹². Ўғил-худони намоён қилувчи инсон учун эса христианлик ҳокимиятидагиларни йўқотиш шакли сифатида юзага чиқди. Бу эса Фромм фикрича, Исо пайғамбар тўғрисидаги фикрлар зиддияти мазмунини очиб беради: яъни у Худо даражасига кўтарилган инсонми ёки бошидан инсонларга тушган Худо бўлганми?!

Христианлик масалалари ўйича Фромм Фрейд таълимотини ўзига хос равишда ривожлантирди. Диннинг ижтимоий таскин берувчи вазифасини ёритишда Фромм ўз концепциясини илгари суради. Диний ҳиссиёт табиатини таҳлил қилиб, олим инсон ботинидаги дихотомияга (иккига бўлинишга) диққат-эътиборни қаратади. Инсон инсондан ва атроф-муҳитдан бегоналашади, бу ҳолатда эса эътиқод қилиш инсоннинг ҳаётдан ажралиб қолганлиги ва ёлғизланишга нисбатан юмшатади.

Ибтидоий даврдаги эътиқод табиатдан ажралмаган ҳолда намоён бўлган. Цивилизация тараққиёти эса табиатга нисбатан бегоналашувни янада чуқурлаштиради ва айна пайтда унга қарши курашни ҳам шакллантиради. Фроммнинг «Муҳаббат санъати» (1956) асарида бегоналашувни энгишнинг ягона воситаси сифатида муҳаббат таҳлил қилинади. Муҳаббат инсон табиатига хосдир. Ҳамма муҳаббатлар ичида энг юксаги – бу Худога бўлган муҳаббатдир. Бу муҳаббат орқали инсон умуман инсонга бўлган муҳаббатни ҳам намоён қилади. Диннинг инсонийлик руҳияти Фроммнинг «Руҳий таҳлил ва дин» (1950) ва «Инсон қалби» (1964) асарларида ҳам чуқур, атрофлича таҳлил қилинади. Унинг фикрича, дин, эътиқод инсон табиатининг моҳиятида илдиз отган. Шу ҳолат цивилизация натижасида ҳосил бўлган бегоналашувни нисбатан юмшатади. Шу муносабат билан Фромм «нарцисслик»ка (ўз-ўзига маҳлиё бўлишга) катта аҳамият беради. Унинг фикрича, инсоннинг яхшилик ва ёмонлик қилувчи қобилияти, онгсизлик даражасида мавжуд бўлган

¹² Fromm E. The Dogma of Christ and Other Essays on Religion, Psychology and Culture. New York e. a, 1963. P. 46-47.

бузғунчилик ёки яратувчилик интилишлари орқали намоён бўлади. Бузғунчилик кучлари ўлимга интилиш, ўз-ўзига маҳлиё бўлиш, тўдаликка интилишда акс этади. Яратувчилик кучлари эса уларга зид бўлган ҳолатларда рўёбга чиқади: ҳаётга интилиш, бошқа инсонларга нисбатан муҳаббатли бўлиш ва шахсан мустақил бўлишга ҳаракат қилиш кабилар киради. Фроммнинг фикрича, нарцисслик ҳолати - бу руҳий энергиядир. Бу ҳол инсоннинг ички биологик кучларини жунбушга келтиради. Зотан, Фромм ижтимоий-иқтисодий омилларни биологик қувват билан боғлашга ҳаракат қилса ҳам ижтимоий муносабатлар ички имкониятни рўёбга чиқариш учун ташқи муҳит бўлиб қолаверади. Шундан келиб чиққан ҳолда, дин ҳам инсоннинг бузғунчилик ва яратувчилик интилишларидан келиб чиққан ҳолда намоён бўлади.

Диний эътиқод Фромм фикрича, нарциссликни яқка ҳолда ёки жамоавий ҳолда бўлсин қўллаб-қувватлайди. Жамоавий қувватлаш бир гуруҳнинг иккинчи гуруҳ устидан эътиқод устунлигини намоён қилиш орқали амалга ошириши мумкин. «Диний гуруҳда – бу менинг гуруҳим ҳақиқий Худога эътиқод қилувчилар ичида ягонадир, деб ҳисобловчилар таъкиди орқали амалга ошади»¹³. Диний нарцисслик инсонлар учун ҳалокатни билдиради. Бунга – фанатизмни, ақидапарастлик ва зўравонликни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Зотан, Фромм диний нарциссликни танқид қилса ҳам лекин унинг мақсади диннинг ижтимоий моҳиятини очиб беришга қаратилмаган. У айрим ҳолларда эътиқод бузғунчиликни мустаҳкамлайди, бошқа пайтларда эса бунинг акси ҳам бўлиши мумкин, яъни яратувчиликка хизмат қилади, - дейди. Диний эътиқод инсон руҳида нарциссликни енгиш учун қилган ҳаракатда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам дин орқали қандай қилиб инсоннинг худбин интилишларини йўқотиш йўллари аниқлаш лозим. Сўфийликда буни осонлик билан енгиш мумкин. Яъни инсон «мен»и бутун олам ва Худо

¹³ Fromm E. The Heart of Man. - New York, 1964. -P. 85.

билан бирлашиб кетади. Фромм фикрича, иудавийлик, христианлик динларида инсон ва унинг хислатлари ўзгача холда намоён бўлади.

Христианликнинг «Ўз яқинингга муҳаббатли бўл!» деган ақидаси бунга яққол мисол бўла олади. Нарцисслик устидан тўлиқ ғалаба «Душманингга ҳам муҳаббатли бўл!» деган ақида орқали амалга ошади. Фромм фикрича: «Ўзга эътиқодини ёки душманни севиб қолиш, фақат «мен» «ўзга»да сингиб кетгандагина мумкин»¹⁴.

Фромм диндаги бир-бирига зид келувчи омилларни келиштиришга ҳаракат қилиб, нарциссликка хизмат қилувчи – ақидапарастлик дини ва инсонпарварлик дини каби тушунчаларни киритади. Ана шу тушунчаларнинг инсонга қай даражада таъсир қилишига, унинг амал қиладиган қадриятларига боғлиқдир. Шу ўринда Фромм динга кенг камровли таъриф беради: «... дин деганда мен, гуруҳ томонидан қабул қилинган фикрлаш тизими ва ҳаракатни тушунаман, бу индивидга яшаш йўналиши ва эътиқод қилиш объектини кўрсатади»¹⁵. Динни бундай таърифлаш эса уни тор доирадан чиқариб, аксиология билан қориштиришга олиб келади. Умуман олганда, диннинг турли шакллари руҳий таҳлил услублари орқали асосланади ва ёқланади. Руҳий таҳлил нуқтаи назаридан дин таскин берувчи вазифани ҳам бажаради. Неврознинг чуқур илдизи Фромм фикрича, сева олиш ҳиссиётининг йўқлигидадир. Буни диний ҳиссиётни кучайтириш орқали пайдо қилиш мумкин. Демак, Фроммнинг дин ҳақидаги концепциясининг асосий хусусияти - унинг моҳияти ва илдизларини инсонийлаштиришдан иборат бўлади.

Шунингдек, муҳаббат ҳиссиётининг йўқлиги - унинг табиатдан, жамиятдан, одамлардан, ҳатто ўзидан бегоналашувига олиб келади. Шундай ҳолатда руҳий таҳлил инсон қалбида диннинг инсон шартлари ва омиллари орқали муҳаббат куртакларини очишга ёрдам бериши зарур, дейди Фромм. Масалан, инсон ўзининг индивидуал хусусиятлари

¹⁴ Fromm E. The Heart of Man. - New York, 1964. -P. 89.

¹⁵ Fromm E. Psychoanalysis and Religion. - New York, 1950. -P. 21.

ёрдамида бутун қалбини эгаллаб олган безовталиқ, ваҳимага тушиш, кўрқув каби иллатлар учун ўзини айбдор, гуноҳкор деб ҳис қила бошлайди, уни доимо бартараф этиш йўллари излайди. Худди шу гуноҳкорлик ва айбдорлик ҳиссини инсон ва унинг манфаатларига зид келувчи диннинг баъзи бир талабларига йўйиш мумкин. Бунда сажда қилиш объекти эмас, балки динга бўлган муносабатнинг ўзи муҳим аҳамиятга эга бўлади. «Савол, - деб ёзади Фромм, - бу динми ёки дин эмасми деб эмас, балки қандай турдаги дин, деб қўйилиши шарт»¹⁶. Шундай қилиб, диннинг авторитар ва инсонийлик шакллари тизимли жараёнларда «мен» чегараси билан чекланади. Фромм томонидан ташқи ижтимоий омилларнинг киритилиши (буларга сиёсий-иқтисодий ривож, илмий-техника тараққиёти, маънавий хусусиятлари ва ҳоказолар киради) диний онг моҳиятини қайта кўриб чиқиш учун эмас, балки аниқ шахснинг динни англаш имкониятларини амалга ошириш учун зарур бўлади. Моҳиятан эса диннинг келиб чиқиши ижтимоий-социал эмас, балки психик омилларнинг табиий мутаносиблигига боғлиқдир. Инсон характерининг биологик хусусиятлари ижтимоий шароитдан келиб чиқмайди. Аксинча, диндан кенг фойдаланувчи руҳий терапия ижтимоий муҳитни биологик жиҳатдан соғломлаштиради.

Дарҳақиқат, Фромм руҳий таҳлил билан дин ўртасидаги ўзаро муносабатнинг асосий хусусиятларини аниқлайди: ҳеч қачон улар бир-бирини истисно қилмайди; бундан ташқари руҳий таҳлил амалиёти диний ҳиссиётнинг мавжудлигини доимо тан олиши зарур ва руҳий терапияда диннинг ижобий мазмунидан фойдаланиши лозим. Фромм Шарқ ва Ғарб динларида инсонпарварлик ғоялари хослиги, улар инсон қалби ҳақида қайғуришини ва унда муҳаббат туйғуси борлигини исботлашга ҳаракат қилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, хулоса қилиш мумкинки, руҳий таҳлил доимо динга муҳтож бўлади, шу ўринда диний эътиқод ҳам руҳий таҳлилнинг услубларидан фойдаланиши керак. «Руҳий таҳлил, - деб ёзади

¹⁶ Fromm E. *Psychoanalysis and Religion*. - New York, 1950. -P. 26.

Фромм, - бу мақсадни амалга оширишга тўсқинлик қилмайди, аксинча уни амалга ошириш учун катта ёрдам беради»¹⁷.

Хулоса

Ўз таълимотини ишлаб чиққан Эрих Фромм, инсон мавжудлиги зиддиятларини ҳал қилиш усулларини, инсон бегоаналашувини бартараф қилишнинг турли усулларини қидирди, ва йўлларини топишга ҳаракат қилди, Ғарб цивилизациясини соғломлаштириш йўлларини белгилади, шахснинг эркин ва ижодий ривожланиш истиқболларини кўрсатиб беришга уринди.

Фромм фикрича, “тарихий зиддиятлар”ни йўқотиш эса инсонлар ҳаёти билан боғлиқ бўлган муайян ижтимоий шароитга боғлиқдир. Бундай шароит инсонпарвар ахлоқ, янги кадриятлар ва энг умумий муҳаббат тамойилларига асосланган “инсонпарвар жамият” қуриш йўли орқали пайдо бўлади. “Экзистенциал зиддиятга”лар эса, бу инсон мавжудлигининг негизида илдиз отади. Улар қисман ҳал қилиниши мумкин. Бу инсон ички иқтидорини амалга ошириши орқали, муҳаббат, иймон-эътиқод ва мулоҳаза билан рўёбга чиқади. Икки ҳолатда ҳам инсон моҳиятини намоён қилиши табиат ва шахс ўртасидаги уйғунликни тиклаш “инсонпарвар” руҳият таҳлили асосида амалга оширилади. Бу эса шахс онгида танқидий элементларни уйғотишга кўмак беради ҳамда янги жамият барпо этиш учун кўмаклашади.

Бегоналикдан кутулиш учун инсон замонавий жамиятда ўзининг мавжудлигини англаб етиши керак ва тўлиқсизликни ўз фаолияти орқали енгиши зарур. Бунда инсонга «умид» ёрдамга келади. «Умид» ҳар бир шахсга хос, лекин у моҳиятан зиддиятлидир, деб ҳисоблайди Фромм. Умид - бу инсоннинг ҳали шаклланиб бўлмаган нарсага тайёрлашдир, фаолиятга чорловчидир, у шахснинг «нимагадир эга бўлишга» интилиши эмас, балки «кимдир бўлишга» хоҳиш-интилишидир. Энг аввало, ўзлигига «эга бўлишдир». Ҳақиқий «умид», Фромм тушунчасида, - бу ҳаётий

¹⁷ Fromm E. Psychoanalysis and Religion. - New York, 1950. -P. 99.

тузилманинг ички таянчидир, инсон руҳи ривожидир, унинг асоси ва моҳияти инсон борлигининг шартидир.

Руҳият таҳлили нуктаи назаридан дин таскин берувчи вазифани ҳам бажаради. Асабийликнинг чуқур илдизи Фромм фикрича, сева олиш ҳиссиётининг йўқлигидадир. Буни диний ҳиссиётни кучайтириш орқали пайдо қилиш мумкин. Демак, Фроммнинг дин ҳақидаги таълимотининг асосий хусусияти - унинг моҳияти ва илдизларини инсонийлаштиришдан иборат бўлади.

Фроммнинг «инсонпарвар дин» ҳақидаги таълимоти -ҳар қандай ақидавийликдан, чеклашлардан холи бўлган, содда афсонавийлик ва кўзбўямачиликлардан тозаланган, дунёнинг илмий манзарасига зид келмайдиган, шу билан бирга, мўъжизани кутмайдиган, «синоатлилик» ҳиссидан, «жунбушкорликдан» ва «хузурланишдан» холи бўлган, лекин эҳтиросли кайфиятни ўзида сақлаб қолган (бусиз дин фаолият кўрсата олмайди) таълимотдан иборатдир.

Фроммнинг кадриятлар тизими янги «инсонпарвар жамият» куришда маънавий муҳитни шакллантиришга ёрдам беради. Яъни, ижтимоий борлиқни ўзгартириш бўйича таклиф қилинган Фромм дастури, бутунлай ички ахлоқий янгиланишга ва инсон муҳаббатини қайта тикланишга асосланади. Эрих Фромм фалсафий антропологиясида инсон муаммоси янгича тавсиф ва талқин этилиб, Зигмунд Фрейд қарашларини бойитди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Расмий ҳужжатлар, материаллар

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003.

-40 б.

Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. - 176 б.

Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. -24 б.

Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. –Т.: Шарқ, 1998. -144 б.

Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1998. -480 б.

Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродалилигига ишонаман //“Фидокор”, 2000, - 8 июн.

Каримов И.А. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт //Каримов И. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. -Т.: Ўзбекистон, 1999. –Т. 7. –Б. 274-292.

Каримов И.А. Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз руҳий маънавий куч-қувват манбаи // Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2000. –Т. 8. –Б. 462-474.

Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -448 б.

Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-том. -Т.: Ўзбекистон, 2006. -280 б.

2. Биринчи манбалар

Фромм Э. Душа человека. –М.: Республика, 1992. -430 с.

Фромм Э., Судзуки Д., Де Мартино Г. Дзен-буддизм и психоанализ. – М.: Политиздат, 1989. -542 с.

Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. –М.: ООО «Издательство АСТ», 2004. -635 с.

Фромм Э. Ради любви к жизни. –М.: ООО «Фирма «Издательство АСТ»», 2000. -400 с.

Фромм Э. Севги санъати. //Жаҳон адабиёти. -2004. -4-сон. –Б. 103-113.

Фромм Э. Здоровое общества догмат о Христе. –М.: АСТ: Транзиткнига, 2005. -571 с.

Фромм Э. Психоанализ и этика. –М.: Республика, 1999. -244 с.

Фромм Э. Человек для самого себя. –М.: АСТ: АСТ МОСКВА, 2009. -763 с.

Фромм Э. Искусство любить. –М.: Педагогика, 1990. -157 с.

Фромм Э. Иметь или быть? –М.: Прогресс, 1990. -330 с.

Фромм Э. Бегство от свободы. –М.: Прогресс, 1990. -269 с.

Фромм Э. Кризис психоанализа: Очерки о Фрейте, Марксе и социальной психологии. –СПб.: Акад.проект, 2000. -215 с. –(Библиотека зарубежной психологии).

Фромм Э. Революция надежды //Фромм Э. Человек для самого себя. Революция надежды. Душа человека.: [сб.: пер.с англ.,нем.] /Эрих Фромм. –М.: АСТ: АСТ МОСКВА, 2009. -763, [5] с. –(Philosophy).

3. Монографиялар, рисолалар, тўпламлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, даврий нашрлар

Афасижев М.Н. Фрейдизм и буржуазное искусство. –М.: Наука 1971. -233 с.

Браун Д. Психология Фрейда и постфрейдисты. –М.: Рефл.-бук; Киев: Ваклер, 1997. -298 с.

Бассин Ф.В. Проблема «бессознательного». –М., 1968.

Бассин Ф., Рожнов В., Рожнова М. Фрейдизм: псевдоноучная трактовка психических явлений //Коммунист, 1972. № 2. –С. 94.

Гриненко Г.В. История философии. –М.: Юрайт-Издат, 2006. –688 с.

Гайар К. Карл Густав Юнг. –М.: ООО «Издательство АСТ»», 2004. – 160 с.

- Димитров Х. Психоанализ и философия. –София, 1973.
- Зотов А.Ф., Мельвиль Ю.К. Западная философия XX века. –М.: ПРОСПЕКТ, 1998. –432 с.
- Зотов А.Ф. Современная западная философия. –М.: Высшая школа, 2001. –784 с.
- Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). –Т.: Шарқ, 2004. –472 б.
- Йўлдошев С., Усмонов М., Каримов Р. ва бошқалар. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси (XVII-XX асрлар). –Т.: Шарқ, 2002. –336 б.
- Лейбин В.М. Психоанализ и философия неопрейдизма. –М.: Политиздат, 1977. 246 с.
- 3.14. Коплстон Ф. История философии. XX век. –М., 2002. –269 с.
- 3.15. Кузмина Т.А. Человеческое бытие и личность у Фрейда и Сартра
//Проблема человека в современной философии. –М., 1969.
- 3.16. Курцин И.Т. Критика фрейдизма в медицине и физиологии. –М.-Л., 1965.
- 3.17. Рассел Б. История западной философии. –Новосибирск, 2001.
- 3.18. Рахимов И. Фалсафа. (Қисқача конспект). –Т.: Университет, 1998. –156 б.
- 3.19. Реале Д., Антисери Д. Западная философия от истории до наших дней. В 4-х томах. Т. 1. –М., 2004. –567 с.
- 3.20. Уэллс Г. Павлов и Фрейд. –М., 1959.
- 3.21. Сумерки богов. –М.: Политическая литература, 1990. – 398 с.
- 3.22. Соболев К.И. Философские принципы психоаналитической теории
З.Фрейда. –Горький, 1969.
- 3.23. Современная буржуазная философия и религия. –М.:Политиздат, 1977. –376 с.
- 3.24. Социология. –Т.: Шарқ, 2002. –650 б.
- 3.25. Стоун И. Страсти ума, или жизнь Фрейда. –М., 1994.

- 3.31. Фурст Дж. Невротик. –М., 1957.
- 3.32. Шерозия А.Е. К проблеме сознания и бессознательного психического. Опыт интерпретации и изложения общей теории. –Тбилиси, 1973.
- 3.33. Холличер В. Человек и агрессия. –М., 1975.
- 3.34. Хрестоматия по истории философии (Западная философия). В 3 ч. Ч. 2. –М.: Гуманит изд., центр ВЛАДОС, 1997. -528 с.
- 3.35. Фарб фалсафаси (Қ.Назаров ва бошқалар. Тузувчи ва масъул муҳаррир). –Т.: Шарқ, 2004. –720 б.
- 3.36. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. –Т.: янги аср авлоди, 2002. -371 б.

4. Диссертация ва авторефератлар

- 4.1. Колядко А.В. Проблема отчуждения в философии Э.Фромма: философско-антропологический анализ. Дис. ...канд.филос.наук: 09.00.13. –Тула, 2006. -201 с. ил. РГБ ОД.

5. Хорижий нашрлар

- 5.1. Birubach M. Noe-Freudion Social philosophy. –Stanford, 1961.
- 5.2. Brown J. Freud and the Post-Freudians. –Baltimore, 1961. p. 179.
- 5.3. Brown N. Life Against Death. The Psychoanalytical Meaning of History. – Middletown, 1968. –P. 86.
- 5.4. Fromm E. The Heart of Man. - New York, 1964. -89 p.
- 5.5. Fromm E. Psychoanalysis and Religion. - New York, 1950. -269 p.
- 5.6. Fromm E. Man for himself:An inquire into the psychology of ethics. – N.Y., 1967. -234 p.
- 5.7. Fromm E. To have or to be? –N.Y., 1976. -213 p.
- 5.8. Fromm E. On disobedience and other essays. –N.Y., 1981. -120 p.
- 5.9. Fromm E. The anatomy of human destructiveness. –N.Y., 1973. -349 p.

6. Луғатлар, энциклопедиялар

- 6.1. Фалсафа: қомусий луғат. –Т.: Шарқ, 2004. –496 б.
- 6.2. Философия луғати. –Т.: Ўзбекистон, 1976. –640 б.

- 6.3. Философская энциклопедия. В 5-томах. Т. 4. –М.:Советская энциклопедия, 1967. –592 с.
- 6.4. Филофский словарь –Ростов н/Д: Феникс, 2004. –560 с. (Серия «Словари»).
- 6.5. Философский энциклопедический словарь. –М.: Советская энциклопедия, 1983. –840 с.

7. Интернет сайтлари ва материаллари

- 7.1. <http://www.philospedia.com>
- 7.2. <http://www.artmixx.ru/index.php/freiddd>
- 7.3. <http://www.eleven.co.il/article/14349>
- 7.4. <http://www.2unil.ch/slav/ling/textes/VOLOSHINOV27/I-1.html>
- 7.5. [www//kontrolynaya.avorut.ru/load/11](http://www.kontrolynaya.avorut.ru/load/11)
- 7.6. [www//slovari.yandex.ru/dict/phil_dict](http://www.slovari.yandex.ru/dict/phil_dict)
- 7.7. [www//revolution.allbest.ru/philosophy/00006941.html](http://www.revolution.allbest.ru/philosophy/00006941.html)
- 7.8. <http://tashkent.uz/article/466/>
- 7.9. www.psychanalyse.ru/biblioall_16.html
- 7.10. http://society.polbu.ru/kirilenko_philosophy//ch12_i.html
- 7.11. <http://b2uv.narod.ru/erichfromm.htm>
- 7.12. Freud Museum, Moresfield Govdens,London. <http://www.freud.org.uk>
- 7.13. Sigmund Freud Life and Work. www.freud1:fe.org
- 7.14. International Psychoanalytics Association. <http://www.ipa.org.uk>
- 7.15. Freud Archives. <http://www.freudarchives.org>
- 7.16. http://www.psysite.norod.ru/psychoan.htm#_toc47077448